

# AGR

## IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



# Agroiqtisodiyot

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

## МУНДАРИЖА

4. **Т.ФАРМАНОВ.** Яйлов ерларини таназзуликдан қутқариш: имконият, натижа ва истиқбол
7. **А.МУХТОРОВ, С.РАВШАНОВ.** Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни қўл-лаб-қувватлаш (хориж тажрибаси)
10. **Н.АСКАРОВ, Д.ЯНГИБОЕВ.** Иссиқхоналарда сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг айрим масалалари
13. **А.ABDULLAYEV, J.QOBILOV.** Qishloq xo'jaligini klasterlashning xorijiy tajribasi
15. **А.ALIKULOV, X.ISHTUTDIYEV.** Agroklastarlarda moliyaviy natijalar auditining tashkiliy-uslubiy jihatlari
18. **Z.BAYMURATOVA, A.XASANOV.** Qishloq xo'jaligida agrosanoat klasterini tashkil etish metodikasi
21. **М.АБДУРАИМОВА.** Суғурта ташкилотларида ички назорат тизимини баҳолаш амалиёти
24. **А.АВЛОКУЛОВ.** Аудиторлик текширувларини режалаштириш йўналишлари
27. **А.АЗЛАРОВА, Э.МАХМУДОВА.** Совершенство-вание банковского финансового менеджмента (на примере коммерческих банков Узбекистана)
29. **З.ШОХЎЖАЕВА.** Сув хўжалиги тизимини бошқаришни такомиллаштириш йўллари
32. **З.СИДДИҚОВ, М.АЧИЛОВ.** Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожланишининг ҳозирги даражаси
35. **Ш.ТОЖИБОЕВА, З.РАШИДОВ.** Таҳлилий амал-лардан молиявий натижалар аудити сифатини оширишда фойдаланиш
39. **Д.МАТКАБУЛОВА.** Иқтисодиётни легаллашти-риш бўйича илғор хорижий давлатлар тажри-баси
43. **D.ALIMOVA.** The essence and role of resource potential in the activities of service enterprises
46. **А.САТТОРОВ.** Замонавий аудиторлик фаолияти ривожланишининг тарихига назар
48. **Т.НУРЫМБЕТОВ.** Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари ва шартлари
50. **А.НОРОВ.** Давлат харидларидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари
54. **С.НОРМУРОДОВ, Р.РАФИҚОВ.** Уй-жой фон-ди ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари
56. **И.НИЁЗОВА.** Дуал таълим - профессионал таълим самарадорлигини ошириш омили
59. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ.** Чорвачиликда харажатлар аудитини ташкил этиш ва услубиятини тако-миллаштириш
63. **М.МИРХАЙДАРОВА.** Банklar фаолияти са-марадорлигини оширишнинг институционал асослари
66. **И.КЕНЖАЕВ.** Инвестицион фаолиятни моли-явий бошқариш механизмнинг илмий-наза-рий асослари
68. **Т.ДЖУМАНОВ.** Агрокластерлар самарадорли-гини таъминлашнинг иқтисодий мазмуни ва унинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашдаги аҳамияти
72. **Ҳ.ТУРОБОВА, Ш.БОЛТАЕВА.** Қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантиришдаги му-аммолар
76. **А.BURXANOV.** Qishloq xo'jaligida innovatsiyon faoliyatni rivojlantirish - potentsiyal imkoniyatlar
79. **J.SAUXANOV, S.DANIYAROV.** Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligining hududiy oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashdagi o'rni
81. **Ж.БОЛТАЕВ.** Тўғридан-тўғри хусу-сий чет эл инвестициялари ишти-рокидаги юридик шахсларга солиқ солиш механизмини такомиллаштириш
84. **М.АБДУРАХМАНОВА.** Тижорат банклари капи-талини самарали бошқариш механизмлари
87. **А.ЮСУПОВ.** Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг айрим жиҳатлари
90. **Б.МЕНГЛИКУЛОВ, М.ЮСУПОВА.** Чорвачиликка ихтисослашган корхоналарда биологик активлар аудитини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари
93. **К.АРТИКОВ.** Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари даромадларини ҳисобга олишнинг ўзига хос жиҳатлари
95. **F.RAKHMATULLAeva.** The role of structural change management in the sustainable development of the regional economy
98. **U.SADULLAYEV.** Classification of factors affecting livestock intensification
101. **Н.АЛИЕВА.** Тармоқ корхоналарини ривожлан-тиришда инновацион менежмент усуллари қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
105. **И.МЕЛИЕВ.** Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ташкил этиш масалалари

# Agroiqtisodiyot

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

## МУНДАРИЖА

108. **Н.ОДИНАЕВА.** Олий таълим муассасалари фаолиятини бошқаришнинг замонавий моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
111. **N.ОСИЛОВА.** Analysis of factors affecting agriculture
114. **Б.ТАШБАЕВ.** Давлат қарз сиёсати ва унинг самарадорлиги таҳлили
117. **О.ХУШМУРАДОВ, Х.ХУЖАКУЛОВ, Ш.ТУРОБОВ.** Пахтачилик йўналишидаги ислохотларни такомиллаштириш масалалари
123. **Sh.QURBONOV.** The importance of providing citrus fruits
125. **М.ХОДЖАЕВА, М.АБДУЖАБОРОВА.** Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил этишнинг дастурий таъминотини яратиш аҳамияти
128. **N.ОМАНОВА.** Korporativ madaniyat samaradorligini oshirish vositasi sifatida gibrid ish modelini amaliyotda qo'llash
131. **Ф.ХУДАЙБЕРДИЕВА, Н.МУСАЕВА.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш моҳияти ҳамда устувор вазибалар
133. **О.ХОЛМУРОДОВ.** Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш
137. **М.ХАҲИТВОУЕВ.** Tovar-moddiy захиралар hisobining nazariy-uslubiy asoslarini takomillashtirish
140. **А.ТОШБОЕВ.** Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва хавфсизлик муаммолари
143. **U.ABDUG'ANIYEV.** Yashirin iqtisodiyot ko'lamini aniqlash metodlari va ularning o'ziga xos xususiyatlari
146. **T.JUMABOEV.** Xalqaro standartlar asosida moliyaviy hisobot auditini tashkil etish xususiyatlari
149. **М.ИНОЯТОВА.** Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш - давр талаби
151. **И.ОЧИЛОВ.** Хизмат кўрсатиш кластерларининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий самарадорлиги таҳлили
153. **U.TUXTAYEV.** Turizm industriyasini rivojlantirish va raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy-nazariy asoslari
155. **Ж.ХАЙТБАЕВА.** Замонавий ускуна spad-502 кўрсаткичи асосида азот ўғитини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги
157. **К.ХАТАМОВ.** Асосий воситалар ҳисобини халқаро ва миллий стандартларда акс эттириш масалалари
159. **А.ЭШЕВ.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва баҳолашда стратегик моделни ишлаб чиқиш
162. **F.YUSUPOVA, S.ABDULLAEVA.** The main directions of development of dekhkan farms of dairy production
166. **Ж.ФАРМАНОВ.** Иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти
169. **К.КАЛЕНОВ, Н.ИБРАГИМОВА.** Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашнинг метадалогик асослари
172. **Н.АКВАРОВ.** Bog'dorchilik mahsulotlarini ishlab chiqarishga ta'sir etuvchi omillar
174. **М.ИСМАИЛОВА.** Анализ базы данных финансовых результатов и методы его совершенствования на основе международных стандартов
177. **У.ЭШМУРАДОВ.** Агрокластерларда тайёр маҳсулотларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришишлар ҳисобини такомиллаштириш
180. **С.ДАВЛАТОВ.** Қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболлари
182. **И.ЗИЯДУЛЛАЕВ.** Мамлакатимизда узум етиштириш ҳолати таҳлили ва экспорт қилиш истиқболлари
184. **А.ХАТАМОВ.** Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳасининг тутган ўрни ва унинг аҳамияти
186. **Ш.САИПНАЗАРОВ.** Қимматли қоғозлар бозорида молиявий инжиниринг истиқболлари

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

1 (27), 2023

**Бош муҳаррир:** Тулқин ФАРМАНОВ

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Алишер ШУКУРОВ  
Саидасрор ҒУЛОМОВ  
Норқул ҲУШМАТОВ  
Ражаббой ДУСМУРАТОВ  
Фотима НАЗАРОВА  
Ирода РУСТАМОВА  
Акмал ҚОСИМОВ  
Яшнаржон АЛИЕВ  
Азиз КАРИМОВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ  
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ  
Назимжон АСКАРОВ  
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ  
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ

## **МУАССИС:**


**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда  
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2023



## ЗАМОНАВИЙ УСКУНА SPAD-502 КЎРСАТКИЧИ АСОСИДА АЗОТ ЎҒИТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Жамила ХАИТБАЕВА,  
“ТИҚХММИ” – МТУ доценти

**Аннотация:** Мақолада замонавий ускуналар ёрдамида азот ўғитини қўллашнинг натижадорлиги, олинadиган иқтисодий самараси ўрганилган ҳамда хулосалар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье изучена эффективность применения азотных удобрений с помощью современного оборудования, полученный экономический эффект и сделаны выводы.

**Abstract:** The article, the effectiveness of using nitrogen fertilizer with the help of modern equipment, the obtained economic effect is studied and conclusions are drawn.

Хозирги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларида қўлланилаётган агротехник тадбирлар экин моделлари ёрдамида бошқариш йўлга қўйилган ва шу асосда сифатли мўл ҳосилга эришиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони да... «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишни янада кенгайтириш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Қишлоқ хўжалиги экинларида қўлланилаётган минерал, айниқса, азотли ўғитларидан фойдаланишни самарали бошқаришда барг ташхиси муҳим ўринни эгалламоқда. Бугунги кунда дала майдонининг ўзида ўсимликнинг азотли ҳолатини замонавий оптик сенсорлар ёрдамида баҳолаш ва шу асосда ўғитлаш бўйича тезкор қарор қабул қилиш экинлардан мўл ва сифатли ҳосилга эришишга яқиндан хизмат қилади.

Минерал ўғитлар қўллашнинг асосий вазифаси ўсимликлар тупроқдан олиб чиққан озика моддаларни ерга қайтариш ҳисобланади. Бир гектар майдонга қўлланиладиган ўғит меъёри қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳонда NPK-ўғит ишлатишнинг ўсиши 2017/18 йй. +0,9 фоизни ташкил этиб, соф ҳолда 187 млн. тоннага тенг бўлди ва 2022/25 йй. қадар 200 млн. тоннага етиши башоратланмоқда. Натижада, келажакда қишлоқ хўжалик экинларида минерал ўғит ишлатишни янада ортиши атроф-муҳитни сақлаш ва иқтисодий жиҳатлардан NPK-ўғитларини янада самарали қўллашни тақозо этади.

Минерал ўғитлар, айниқса, азотни қишлоқ хўжалиги экинларида самарали қўллаш борасида кўпчилик ёндашувлар таклиф этил-

ган [2,3]. Шулардан бири экинларни озика моддалари билан таъминланиш даражасини аниқлаш мақсадида лабораторияда ва дала шароитида бажариладиган ўсимлик ташхиси ҳисобланади [4,5]. Магницкий ва Церлинг дала лабораториялари ёрдамида амалга ошириладиган ташхиснинг аниқлиги пастлиги туфайли амалиётга кенг жорий этилмади. Даладан ўсимлик намуналарини олиб, лабораторияда бажариладиган кимёвий (масалан Къельдаль усули ёрдамида ялпи азот миқдорини аниқлаш) ташхиснинг аниқлиги юқори, аммо у кўп меҳнат ва вақт талаб этади.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида турли оптик сенсорли ускуналарни қўллаш таклиф этилмоқда [6]. Шулардан бири буғдой, ғўза, маккажўхори ва бошқа экинларда хлорофиллметр SPAD-502 (SPAD – Soil-Plant Analysis Development) ёрдамида азотли ўғитларни қўллаш меъёрларини билвосита аниқлаш хорижий мамлакатларда кенг йўлга қўйилган [7].

Хлорофиллметр SPAD-502 ёрдамида ўсимликни азотли ҳолати ва режалаштирилган ҳосил учун мўлжалланган азот меъёрини ўсимликнинг биологик талабига биноан аниқлаш мумкинлиги тўғрисида фикр олдинга сурилди [8]. Хлорофиллметр SPAD-502 анъанавий ўсимлик таҳлили ўрнига қўлланиладиган ташхисий ускуна, барг таркибидаги хлорофилл миқдорини ўлчади ва ўсимликни азотга бўлган талабини аниқлашда яқиндан ёрдам беради.

Шу жиҳатдан, суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштиришда замонавий оптик сенсорли ускуналардан фойдаланиб ўсимликларнинг озикланиш тартибини мақбул ўғитлаш орқали самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқиш борасидаги илмий ишланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Изланишларимиз натижалари кўра, кузги буғдойнинг барча ривожланиш даврларида SPAD-502 кўрсаткичлари ва барг таркибидаги

**Калит сўзлар:** кузги буғдой, азот, минерал ўғит, барг ташхиси, замонавий ускуна, SPAD-502.

азот миқдорлари орасида ўзаро юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқлан. Бу эса ўз навбатида SPAD-502 кўрсаткичларига асосланган ҳолда кузги буғдойнинг туплаш ва найчалаш ўсув даврларида қўлланиладиган N-ўғити меъёрларини ҳисоблаш учун алгоритм яратишга имкон яратди.

Яратилган алгоритм асосида кузги буғдойда турли меъёрларда ўғит ишлатилиши натижасида (1-жадвал) дон ҳосили кам бўлсада фарқлар юзага келган.

Натижада, хлорофилметр SPAD-502 кўрсаткичлари асосида кузги буғдойда азот ўғити қўлланилганда сезиларли даражада иқтисодий

**1-жадвал. Хоразм вилояти миқёсида хлорофилметр SPAD-502 кўрсаткичларига асосан кузги буғдойда азот ўғити қўлланилиши натижасида юзага келадиган N-ўғити тежалиши ва унинг молявий қийматлари (2010 й. маълумотлари асосида)**

Майдон, га	Тежалиши, %	Кузги буғдой			
		N	Аммоний нитрати (N 34.5%)		
		тонна	Тонна	Минг сўм	АҚШ долларлари*
1	1	0,002	0,005	1,4	0,9
	5	0,009	0,026	7,1	4,5
	10	0,02	0,05	14,2	8,9
100**	1	0,2	0,5	142,3	89,2
	5	0,9	2,6	711,3	445,9
	10	1,8	5,2	1422,6	891,9
Хоразм вилояти** *	1	60	173	47230	29611
	5	299	866	236148	148055
	10	598	1732	472296	296111

\* 1 АҚШ долларлари = 1595 сўм (29.06.2010)

\*\*Фермер хўжалигининг ўрғача майдони. \*\*\*Хоразм вилоятида ҳар йили кузги буғдой экиладиган майдон 33200 га ни ташкил этади.

фойда келтириши аниқланди. Натижада азот ўғити самарадорлиги ошди ва экинга бериладиган ўғит меъёрини камайтириш имкони яратилди. Масалан, азот ўғити меъёри 10 фоизга камайтирилганда, фермер бир гектар майдондан 50 кг аммиакли селитрани тежаб қолади, пул қийматида бу 9-10 АҚШ долларини ташкил этади (1-жадвал).

Демак, 2010 й. шаротидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қиладиган бўлса, Хоразм вилоятида етиштириладиган кузги буғдойда ишлатиладиган азот ўғитининг ҳосилга зарарсиз камайтирилиши ҳар гектардан 9 АҚШ долларни тежайди. Агарда фермер хўжалигида 100 га майдонда кузги буғдой етиштирилганда жами 600 АҚШ долларлари тежалади (1-жадвал). Натижада, буни Хоразм вилоятининг 270 минг/га суғориладиган майдони мисолида кўрадиган бўлса, унда азот ўғити тежалиши натижасида 296 минг АҚШ долларлари тежалиши мумкин.

Агар вилоятдаги барча фермер хўжаликларини хлорофилметр SPAD-502 дан фойдаланадиган бўлса, унда ускуна сотиб олиш учун 2,6 млн. АҚШ долларлари талаб этилади. Вилоятда ҳар йили азот ўғити тежалишини ҳисобга оладиган бўлса, ускуна сотиб олиш учун сарфланган маблағ саккиз йилда қопланар экан.

Замонавий ускуна Хлорофилметр SPAD-502 бошқа экинларда ҳам қўлланилиб, шунча миқдорда азот ўғити тежалса, унда ускуна сотиб олиш учун сарфланган маблағ икки йилда қопланиши мумкин. Ўсимликларда қўлланиладиган минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича қарор қабул қилишда фермер ва мутахассисларга яқиндан ёрдам бериш, экологик ва иқтисодий жиҳатдан самарадорликга ҳам эришиш мумкин.

Хлорофилметр SPAD-502 кўрсаткичларига мутаносиб равишда N-ўғити меъёрларини ростлашга тупроқ хусусиятлари, сув таъминоти, ўсув даври ва тупроқ намуналарини олиш тартиби, экин нави ва мавсумий самаралар каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони
2. R.H. Walthall, C.L. Crop monitoring technologies to assess nitrogen status. In Nitrogen in Agricultural Systems, Agronomy Monograph No. 49;
3. Samborski, S.M., N.Tremblay and E.Fallon. 2009. Strategies to make use of plant sensors-based diagnostic information for nitrogen recommendations. Agron. J. 101:800-816
4. Магницкий К.Л. Диагностика потребности растений в удобрениях - М. 1972. - 270 с.
5. Церлинг В.В. Диагностика питания сельскохозяйственных культур : Справочник - М. :Агропромиздат, 1990. - 234 с.
6. Tremblay, N.; Fallon, E.; Ziadi, N. Sensing of crop nitrogen status: Opportunities, tools, limitations, and supporting information requirements. Hort Technol. 2011, 21, 274-281.
7. Tripodi, P.; Massa, D.; Venezia, A.; Cardi, T. Sensing Technologies for Precision Phenotyping in Vegetable Crops: Current Status and Future Challenges. Agronomy 2018, 8, 54.
8. Monje, O.A.; Bugbee, B. Inherent limitations of nondestructive chlorophyll meters: A comparison of two types of meters. Hort Science. 1992, 27, 69-71.

## Хурматли журналхонлар!

“**AGROIQTISODIYOT**” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзусидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар **ўзбек, рус ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири **8 бет**дан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал билан 14 шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация ва калит сўзлар илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси** кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz) орқали ҳам юборишингиз, қўшимча маълумотлар учун эса қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази**нинг веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда [www.ooqxssrtxm.uz](http://www.ooqxssrtxm.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: **100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.**

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Таҳририят:  
Мусахҳих: **Янгибоев Д.**  
Дизайнер-саҳифаловчи – **Садуллаев У.Н.**

Таҳририят манзили:  
100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани  
Университет кўчаси, 2 уй.  
Тел.: (+0371) 2605230  
Факс: (+0371) 2605230  
E-mail: [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz)

Бичими 60x84 1\8 (4 б.т.). Адади 150.  
Чоп этишга 31.01.2023 йилда рухсат  
этилди. 8/15 сонли бюртма.

Уч ойда бир марта чиқади.  
Баҳоси келишилган нархда.

“**AGROIQTISODIYOT**” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.